

“Гидропроект” АЖнинг 2021 йил 17 майдаги  
43-сонли бўйруғига илова.

1. Асосий тузуучига ҳамадор
2. Коррупцияга карни куралашининг асосий тартиблари
3. Коррупцияга карни куралашининг асосий элементлари
4. Коррупцияга карни куралашининг асосий қуалитати
5. Коррупцияга карни куралашининг асосий қуалитати
6. Коррупцияга оғиз қукукбўйичиларни савор этишини үчун жиёвотданнинг мукаррарлиги номинанти
7. Яснолочи қонвент

**“Гидропроект” акциядорлик жамиятнинг коррупцияга қарши  
курашиш СИЁСАТИ**

## **Мундарижа**

- 1.Умумий қоидалар**
- 2. Асосий түшүнчө ва атамалар**
- 3. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари**
- 4. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосий элементлари**
- 5. Коррупцияга қарши курашиш асосий йўналишлари**
- 6. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини**
- 7. Якунловчи қоидалар**

## **1. Умумий қоидалар**

**1.1.** Ушбу “Гидропроект” акциядорлик жамиятнинг **коррупцияга қарши курашиш СИЁСАТИНИНГ** (бундан буён матнда – *Сиёсат деб юртилади*) мақсади жамиятда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

“Гидропроект” акциядорлик жамияти молиявий-хўжалик фаолиятни аҳлоқий, виждонан ва ижтимоий йўналтирилган ҳамда доимий равишда юқори стандартларга риоя қилган ҳолда олиб боришга интилиб, бунда асосий эътиборни коррупцияга қарши йўналтирилган сиёсат ва жараёнларни ишлаб чиқиш, татбиқ қилиш ва амалга оширишда доимий назоратни ўрнатишга қаратади.

**1.2.** Коррупцияга қарши курашиш сиёсати бу – Жамият ва унинг тизим корхоналари ходимларининг ўз иш фаолиятда коррупция ҳуқуқбузарликларига муросасиз бўлишлари ва уларнинг содир этилишига йўл қўймасликларида намоён бўлади.

**1.3.** Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, шунингдек, ҳалқаро ташкилотлар ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида жаҳон тажрибаси, яъни ISO 37001:2016 – “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими – фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар” ҳалқаро стандартининг талаб ва таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

**1.4.** Сиёсат коррупцион ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларга барҳам беришга йўналтирилган асосий принцип ва талабларни белгиловчи мухим ички идоравий ҳужжат ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирлар учун асосий дастурлардан ҳисобланади.

## **1.5. Жамият коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари:**

- Жамиятда коррупцияга тўлиқ барҳам берилишига эришиш;
- ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш;
- барча соҳа ва тармоқларда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупцион ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шаклланишига йўл қўймаслик, мойилликларни ўз вақтида аниқлаш, унинг оқибати, сабаб ва омилларини бартараф этиш, коррупцион жаиноятларни содир этганлик учун жазонинг муқаррар ва шавқатсиз тамойилини таъминлаш.

**1.6.** Сиёсат талаблари Жамият ходимлари эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар барча учун мажбурий ҳисобланиб, ишга қабул қилинаётган ҳар бир шахс мазкур Сиёсат талабларига риоя этилиши юзасидан имзоланиш асосида таништирилиши лозим (*маҳсус журнал шакллантирилиб, юритилади*).

**1.7.** Мазкур Сиёсатга амал қилиш Жамият ва унинг бўлимлари (*унитар корхона ва масъулиятни чекланган жамиятлар, мавжуд ёки ташкил этилса*)

ходимлар учун мажбурий ҳисобланиб, Сиёсат талабларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлайди.

**1.8.** Жамият таркибидаги ёки унинг иштирокидаги жамиятлари (*барча турдаги юридик шахслар*) ўзларининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ушбу Низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқади.

## **2. Асосий тушунча ва атамалар:**

**коррупция** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**манфаатлар тўқнашуви** — шахсий (*бевосита ёки билвосита*) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

**Коррупциявий харакатлар** – ноқонуний равишда давлат мансабдор шахсига (*пора, пораҳўрлик*), тижорат ташкилоти вакилига (*тижорат учун пора*) ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракати ё харакатсизлиги учун таъсир кўрсатиш ёки лавозим мажбуриятларини тегишли даражада бажармаслигига ундаш ёки Жамият учун, жумладан, тегишли бўлмаган тижорат устуворлигига эришиш мақсадида фойдани таклиф қилиш, ваъда бериш, ўтказиш;

- расмиятчиликни камайтириш учун тўловни амалга ошириш;

- ўз мансаб ваколатларидан ноқонуний фойдаланиш, хизмат мавқеини, ваколатларини суистеъмол қилиш, шунингдек ходимнинг ўз мансабидан Жамият қонуний манфаатларига қарши ноқонуний фойдаланиш, жумладан, ўзи ёки учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида бошқа шахслардан ноқонуний фойда олиш ёки олишга розилик бериш, талаб қилиш, ундириш ёки сўраш;

- пора олишда ёки тижоратда ўз томонига пора билан оғдириш учун воситачилик қилиш, хусусан, ноқонуний фойдани олувчига етказиш ёхуд етказувчига ёрдам бериш, ноқонуний фойда олиш ва бериш тўғрисида у билан келишувга эришиш ва амалга ошириш;

- коррупция ёки уни содир этишга олиб келувчи, жумладан, манфаатлар тўқнашувини намоён қилувчи харакат сизликтан.

**коррупцияга қарши курашиш тизими** – қўлланиладиган амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупцион жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Жамият ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришиларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

**коррупцион хафв** – Жамият ходимлари ёки учунчи шахслар томонидан Жамият номидан ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупцион хатти-харакатларни содир этиш эхтимоли ва хавфи;

**манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (*бевосита ёки билвосита*) манфаатдорлик ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришга таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир қўрсатиши мумкин бўлган ҳамда ходимнинг шахсий манфаатдорлик билан Жамиятнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама – қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – Жамият ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида унинг яқин қариндоши ёки унга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришга таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (*шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари*);

**ишбилармонлик эътибори (совға)** – Жамият номидан ва ҳисобидан контрагентга ва бошқа учунчи томонга тақдим этиладиган ҳар қандай совға, шунингдек, Жамият ёки унинг ходими контрагент ва бошқа учунчи шахслардан оладиган совға;

**иш жараёнида меҳмондорчилик белгилари** - ўз манфаатини кўзлаб Жамият ходими билан ҳамкорликни ўрнатиш ва бундай ҳамкорликни сақлаб қолиши мақсадида амалга оширилган харажатлар (*овқатланиш, яшаш, автотранспорт ҳаражатлари, кўнгилочар тадбирларни қоплаш ва бошқалар*);

**яқин қариндошлар** – ота-она, туғишиган ва ўгай ака-укалари ва опа-сингиллар, эр (хотин), фарзандлари, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, боболар, бувилар, неваралар, шунингдек, эрнинг (хотиннинг) ота-онаси, туғишиган ва ўгай ака-укалари ва опа-сингиллари;

коррупцион ҳолат ҳақида ихтиёрий равища хабар бериш – Жамият мауйян ходими томонидан содир этилган (*содир этиши эхтимоли мавжуд*) коррупцион ҳукуқбузарлик тўғрисида рухсат этилган алоқа каналлари орқали асослилигига ишонч ҳосил қилган ҳолда мурожаат йўллаш;

**контрагент** – Жамият билан шартномавий муносабатларни ўрнатган (*меҳнат муносабатлари бундан мустасно*).

### **3. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари**

**3.1** Жамият коррупцияга қарши курашишга қаратилган фаолиятини қуидаги тамойиллар асосида амалга оширади:

**қонунийлик** - Жамият коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳамда далват органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича тан олинган ҳалқаро амалиётни ҳисобга олиб амалга оширади;

**коррупцияга муросасизлик** – Жамият фаолиятнинг барча соҳаларида коррупцияга муросасиз муносабатда бўлади. Ходимларнинг ҳар қандай коррупцион хавф келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиши таъқиқланади;

**очиқлилик ва шаффофлик** – Жамият коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ички идоравий ҳужжатлар, амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида шахсий таркиб ва контрагентлар, шунингдек, кенг жамоатчилик доимий хабардор қилиб борилади;

**тизимлилик** – коррупцияга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар, Жамият фаолиятининг барча йўналишларида тизимли равишда амалга оширилади;

**жазо муқаррарлиги** – коррупцион ҳуқуқбузарликни содир этган ходим ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар амалдаги қонунчилик ва Жамият ички идоравий ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

**комплаенс назорати** – Жамият ўзларига юклатилган вазифаларни шаффофлик ва холислик асосида бажаришини таъминлаш мақсадида, коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш томонидан ташкил этилади.

#### **4. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосий элементлари**

##### **4.1 Коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосини назарда тутувчи ички идоравий ҳужжатлар:**

- Мазкур сийсат;
- Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом;
- Жамият ходимларининг Одоб-ахлоқ Кодекси;
- Жамият Ички меҳнат тартиби қоидалари;
- Жамиятда хизмат текшируви ўтказиш тартиби;
- бошқа тааллуқли ички идоравий ҳужжатларида акс эттирилган тамойиллар ва талаблар.

##### **4.2 Юқори даражалига раҳбарларнинг сиёсий иродаси:**

**4.2.1** Жамият бош директори ва унинг ўринбосарлари бўйсунувидаги ходимлар, жисмоний ва юридик шахслар билан алоқаларда ҳалол, адолатли муносабатда ва намунавий ҳулқ-атворга эга бўлишлари.

**4.2.2** Жамият бош директори ва унинг ўринбосарлари коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш ва амалга оширишда қуйидагилар орқали сиёсий иродани намойиш этади:

-Жамият фаолиятида коррупцион хавфи мавжуд вазифалар, соҳалар ва функцияларни бошқаришда самарали чора-тадбирлар ва тартибларни жорий

этишда, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш дастурини (*йўл ҳаритасини*) ишлаб чиқиш ва унинг ижросини назорат қилишда ташаббускор бўлиши;

- ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасида Жамият ходимларида коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантирган ҳолда хуқуқий нигилизм, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, амалдаги қонунчилик ва ички идоравий ҳужжатларга риоя қилиши;

-ходимлар, жисмоний шахслар ва юридик шахслар билан мулоқотда ахлокий ҳулқ-атвор юзасидан шахсан намуна сифатида намоён бўлиши лозим.

#### **4.3 Коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар:**

**4.3.1** Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш, коррупцион хавфни аниқлаш ва баҳолаш Жамиятни Комплеанс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул (*бундан буён мантда – масъул деб юритилади*) томонидан тизимли равиша амалга оширилади;

**4.3.2** **Масъул** Жамият фаолиятида коррупцияга оид хуқуқбузарликлар профилактикасини, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, коррупция хавфхатарларини аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, очиқлик ва шаффофоникни таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш бўйича мустақил ҳисобланади;

**4.3.3** Мазкур жараёнда Жамият раҳбарлари ҳам фаол жалб этилади;

**4.3.4** **Масъул** ўз вазифаларини амалга оширишда етарли даражада мустақилликка ва ресурсларга эга бўлиб, бевосита Кузатув кенгашига ва Жамият бош директорига бўйсунади. Ўз фаолиятини Жамият бош директори томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширади.

**4.3.5** Жамият ходимларининг коррупцияга оид хуқуқбузарлик содир этишлари билан боғлиқ ҳар қандай асосли шубҳа бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ва ички ҳужжатларида белгиланган тартибга асосан **Масъул** томонидан текширувлар ўтказилади.

Шунингдек, коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган омиллар ва шарт-шароитлар таҳлил қилинади ва доимий равиша коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиб борилади.

**4.3.6** Коррупцияни бартараф этиш чораларини кўришда, **Масъул** ўзига юқлатилаган вазифалар доирасида хуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа ваколатли давлат органлари ва бошқа учунчи шахслар билан ҳамкорлик қиласи.

#### **4.4 Коррупцион хавфни аниқлаш ва баҳолаш:**

**4.4.1** Жамият коррупцияга муросасиз муносабатда бўлишини ҳисобга олган ҳолда фаолият кўлами ва таъсир қилиш доирасидан қатъий назар коррупцион хавфни бошқариш заруратини тан олади;

**4.4.2** Жамият фаолиятни, таркибий тузилмалари, соҳалари ва бажарилаётган функцияларига хос ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларга боғлиқ ҳолда коррупцион хавфни аниқлайди ва баҳолайди.

Бунда, Жамият фаолиятининг барча соҳалари коррупцион хавфга кўпроқ учрайдиган соҳа (*функция, йўналиши*)ларни аниқлаш мақсадида тизимли таҳлилдан ўтказилади;

**4.4.3** Коррупцион хавфни баҳолаш йилига камида бир марта амалга оширилади. Баҳолаш натижалари Кузатув кенгаши ва Бош директор томонидан кўриб чиқилади.

**4.4.4** Аниқланган хавфларни бошқариш ҳамда унинг асосий омилларини бартараф этиш чоралари Жамиятнинг коррупцияга қарши курашишга қаратилган тегишли чора-тадбирлари, иш режалари ёки йўл хариталарида акс эттирилади.

#### **4.5 Коррупцион хавфни минималлаштиришга қаратилган чоралар:**

**4.5.1** Жамият фаолиятидаги коррупцион хавфларни бошқариш, умумий назорат муҳитини яратиш ва коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларини ўз ичига олувчи коррупцияга қарши курашишнинг комплекс тизимини жорий этади;

**4.5.2** Жамиятда коррупцияга қарши курашишни назорат қилиш ва тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, жумладан, уларнинг аниқланган хавф даражасига мутаносиблиги, ходимлар учун қатъйлиги ва аниқлиги, кенг жамоатчилик учун шаффофлигини таъминлайди;

**4.5.3** Амалга ошириладиган тадбирлар, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича назорат чоралари ва тартиб-таомиллар Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича меъёрий ҳужжатларида (*чора-тадбир, иш режса, йўл харитаси*) акс эттирилади.

#### **4.6 Хабардор қилиш ва маслаҳат бериш**

**4.6.1** Коррупцион хавфни камайтириш ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талабларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида, мазкур Сиёsat ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги асосий маълумотлар Жамиятнинг расмий **веб-сайтига** жойлаштирилади.

**4.6.2** Ходимларнинг хуқуқий маданиятини ошириш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан таништириш мақсадида:

-Жамият ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича маълумотлар етказилади, ўкув материаллари ишлаб чиқилади ва маърузалар ташкил этилади;

-ишга янги қабул қилинаётган ходимларга, коррупцияга оид норматив-хужжатлари, ушбу Сиёsat ва коррупцияга қарши курашиш юзасидан бошқа ички идоравий ҳужжатлар талаблари таништирилади;

-коррупцион хавфи юқори бўлган соҳалар (*лавозимлар*) бўйича Жамиятда коррупцияга қарши курашиш йўналишида қўшимча таълим дастурлари белгиланиши мумкин;

-Жамият ходимларининг коррупцияга муросасиз муносабатини шакллантириш мақсадида аудио ва видеороликлар ҳамда бошқа ахборот маълумотларидан фойдаланган ҳолда профилактик тадбирлар ташкил этилиши мумкин;

-Жамият ходимлари томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган алоқа каналлари ташкил қилинади;

-Жамият ходимларининг меҳнат шартлари таркибига коррупцияга қарши курашиш қоидалари киритилади;

-ходимлар ўртасида коррупцияга қарши курашишда лозим бўлган хулқатворни шакллантириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилади;

-контрагентлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган талаблар ва тамойиллар ҳақида, шу жумладан, улар билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши курашиш юзасидан маҳсус шартлар киритилиши тўғрисида хабардор қилинади ва ҳоказо.

#### **4.7 Мониторинг, назорат ва ҳисобот:**

**4.7.1** Жамиятда Комплеанс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилганини, мутаносиблиги ва самарадорлигини баҳолайди ҳамда доимий мониторингини олиб боради;

**4.7.2** Ўтказилган мониторинг натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли чораларни кўради;

**4.7.3** Жамиятда мониторинг ва назорат қилишнинг қўйидаги тартиб-таомиллари амалга оширилади;

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимига ички ва ташқи омилларнинг таъсирини ўрганиш;

-Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимига ўзартириш киритиш заруриятини таҳлил қилиш, шу жумладан, унинг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

-самарасиз тартиб-таомилларни аниқлаш, тегишли ўзгартиришлар киритиш ва коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида функциялар ички жараёнларни мониторинг қилиш;

-ички ёки ташқи текширувларни ўтказиш жараёнида Жамият ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларига риоя қилинишини назорат қилиш ва бошқалар.

**4.7.4** Коррупцияга қарши курашиш тизимини назорат қилиш ва мониторинги бўйича чора-тадбирлар натижалари Кузатув кенгаши ва Жамият Бош директори билан муҳокама қилинади.

#### **4.8 Ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айборд шахсларни жавобгарликка тортиш:**

**4.8.1** Мазкур Сиёсатга ва Жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган чора-тадбирларга риоя қилиш ҳар бир ходим учун мажбурийдир. Жамият ҳар бир ходими белгиланган талабларни бузганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

**4.8.2** Жамият раҳбарлари ўз бўйсунувидаги ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилганлиги учун масъул ҳисобланадилар;

**4.8.3** Коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган талаблар, тартиб-тамойилларни бузган ҳар бир Жамият ходими Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади;

**4.8.4** Жамият ходимлари уларни коррупция билан боғлик ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай мурожаатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳақида **Масъул** ходимга хабар беришлари шарт.

### **5. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари**

#### **5.1 Манфаатлар тўқнашувины бошқариш:**

**5.1.1** Жамият ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш ёки корхонанинг манфаатларини ифодалаш доирасида вижданнийлик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиши, шахсий манфаатлари йўлида хизмат мавқеидан ёки Жамиятнинг мол-мулкидан фойдаланмаслик ва манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан йироқ бўлишлари лозим.

Жамият ходими хизмат вазифаларини бажариш чоғида вужудга келган ёки вужудга келиши эҳтимоли мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳақида **Масъул** ходимга зудлик билан хабар бериши шарт.

**5.1.2** Жамият номзодларни ишга қабул қилишда, бошқа лавозимга ўтказилишида манфаатлар тўқнашуви олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни сўраб олишга ва тегишли вазиятлар юзага келишига қараб ошкор қилишга мажбурдир.

**5.1.3** Жамиятда манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ва уни ҳал қилиш жараёни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамият ички меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

#### **5.2 Ишбилармонлик эътибори (совға) ва иш жараёнида меҳмондўстлик белгилари**

**5.2.1** Жамият иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини контрагентлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш учун умумий қабул қилинган

амалиёти доирасида алмашиш имкониятини тан олади ва Жамият ходимлари томонидан тақдим этиладиган ёки олинадиган совғаларига талабларни белгилайди, ҳалоллик ва шаффоффлик тамойилларига мувофиқлигини таъминлаш учун контрагентлар билан ўзаро муносабатлар жараёнида қонунийликка амал қилиши лозим;

**5.2.2** Жамият ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариш жараёнида жисмоний ва юридик шахслардан бирон-бир совға ёки меҳмондўстликнинг белгилари, шу жумладан, қарз, кафолатлар, кафилликлар, мукофотлар шаклида рағбатлантириш воситалари, нақд пул маблағлари, қимматли қофозлар кўринишида моддий ёрдам қабул қилиш тақиқиланди;

**5.2.3** Ишбилармонлик эътибори (совға) ва меҳмондўстлик белгилари тўғрисида Низомга мувофиқ Жамият ходимлари ўз вазифа ва мажбуриятларини бажариш жараёнида совғалар бериш ва олиш ҳамда меҳмондўстлик қилиш тартиб ва қоидалари белгилаб берилади;

**5.2.4** Халқаро конференцияларда, симпозиумларда ва бошқа хизматга оид йиғилишларда Жамият номидан совғалар бериш Жамият бош директорининг буйруғи билан амалга оширилади;

**5.2.5** Жамият жамоаси томонидан ходимларга уларнинг шахси билан боғлиқ байрам қунларида (*тугилган кун, никоҳ қуриши, фарзанд тугилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни ва ҳаказо*) берилган, хизмат мажбуриятларини бажаришга боғлиқ бўлмаган совғалар – ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади.

Бундай совғаларни беришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

-совғалар Жамиятнинг камида **3** (уч) нафар ходимлари иштирокида берилishi лозим;

-совға бериш жараёни табрик нутқи билан бирга бўлиши, унда совға беришга сабаб бўлган воқеа ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиши керак;

-совғанинг умумий қиймати (*барча солиқлар ва йигимларни ҳисобга олган ҳолда*) **10 (ўн) БҲМ (базавий ҳисоблаши миқдори)** дан ошмаслиги керак

**5.2.6** Совға қабул қилишнинг қонунийлиги бўйича шубҳа туғилган ҳар қандай ҳолатда ходимлар **Масъул** ходимга маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

### **5.3 Ходимларни танлаш, лавозимдан лавозимга ўтказиш, моддий раҳбатлантириш**

**5.3.1** Жамият ходимларини танлаш, уларни аттестациядан ўтказиш ва фаолиятини баҳолаш, шу жумладан, мукофот пулларини тўлаш, устами ҳақлар ва бошқа турдаги мукофотларни белгилаш жараёни барча ходимлар учун шаффофф, тенг ва холис бўлиб, ушбу Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мувофиқ амалга оширилади;

**5.3.2** Жамият ходимларни мукофотлашга, лавозимдан лавозимга ўтказиш, моддий рағбатлантириш асос бўлиб хизмат қиласидиган фаолиятнинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилиши лозим.

Ушбу кўрсаткичлар ҳар томонлама холис, адолатли, ошкора ҳамда Жамиятдаги кенгаш аъзолари ёки ходимлар билан муҳокама қилиниши керак.

#### **5.4 Контрагентлар ва учунчи шахслар билан ўзаро муносабатлар**

**5.4.1** Жамият контрагентлар ва учунчи шасхлар билан муносабатларида:

- қонунийлик ва шаффоффлик тамойилларига амал қиласиди;

- мазкур Сиёsat талабларига зид бўлган ҳамда коррупцион хавфни келтириб чиқарувчи ҳар қандай ҳатти-харакатларни амалга оширмайди.

**5.4.2** Жамиятда маҳсулот етазиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлаб олиш ва баҳолашнинг ҳаққоний, очик ва шаффофф жараёнини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Жамият ички идоравий ҳужжатлар асосида таъминлайди;

**5.4.3** Жамият контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда:

- бўлажак контрагентнинг ишончлилиги, жумладан, муқаддам коррупцион ҳолатлар ва ҳукуқбузарликлар содир этилиши, Жамият ходимлари билан манбаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги контрагентлар текшириш бўйича Йўрикномага мувофиқ ва очик манбалар орқали текширилади;

- бўлажак контрагентни (*танлов, тендер голибини ва тўғридан тўғри шартномалар бўйича харид контрагентини*) ўзининг коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талаблари ҳақида улар билан тузиладиган шартномалар матнига маҳсус шартларни қўшган ҳолда хабардор қиласиди ва таништиради:

**5.4.4** Жамият амалдаги қонунчилиқда назарда тутилган ҳолларда хайрия ва хомийлик қилиниши мумкин. Бундай пайтда Жамият манбаатлари тўқнашувига йўл қўймаслиги, маблағларни қонунда ёки шартномада белгиланган мақсадлар учун самарали сарфланишини таъминлаш шарт, шунингдек, бу ҳақида баённома тузилади ва расмий **веб-сайт** орқали жамоатчиликка ошкор қилиниши мумкин.

#### **5.5 Ички идоравий ҳужжатларнинг антикоррупцион экспертизаси**

**5.5.1** Ички идоравий ҳужжатларни ҳукуқий экспертизадан ўтказища ҳужжатларда коррупцион ҳукуқбузарликлар содир этилишига имкон яратадиган омилларнинг мавжудлиги, уларнинг олдини олиш, аниқлаш ва истисно қилинишига алоҳида эътибор қаратилади.

#### **5.6 Коррупцион ҳукуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш**

**5.6.1** Жамият ходимлари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларда ходимларнинг ҳатти-харакатлари қонунийлигига, одоб-аҳлоқ нормаларига риоя қилишига шубҳа туғилса, шунингдек, коррупция ва бошқа ҳукуқбузарлик холатлари содир этишига

шумон ёки содир этилганлиги ҳақида аниқ фактлар мавжуд бўлса, улар бу ҳақида Масъул ходимга алоқа каналлари орқали хабар беришлари мумкин.

Бундай мурожаатларни кўриб чиқишида Масъул ходимлар муаллиф шахснинг сир тутилишини таъминлайди (*қонунчиликда назарда туилган ҳоллар бундан мустасно*).

**5.6.2** Коррупцион ҳолат ҳақида мурожаат қилган Жамият ходими ҳимояга олинади ҳамда уни қасдан ишдан бўшатиш, лавозимини пасайтириш, камситиш, босим ўтказиш ҳамда таъқиб қилиш каби ҳолатларга йўл қўйилмаслик кафолатланади;

**5.6.3** Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни Жамиятнинг ишонч телефонлари;

-телеграмм ва электрон саҳифалари;

-расмий веб-сайтидаги “Комплеманс-назоарт ва коррупцияга қарши курашиш” бўлимидаги (“Ўзбекгидроэнерго” АЖ) алоҳида аноним хабар бериш канали;

-расмий почта манзиллари;

-Масъул ходимнинг телефони орқали, тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд.

Келиб тушган барча мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Жамият ички идоравий ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилади;

**5.6.4** Аноним юборилган хабарларда қайд этилган ҳолатлар бўйича Масъул томонидан қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлмаган дастлабки ўрганиш амалга оширилади.

Қайд этилган ҳолатлар ўз тасдиғини топган тақдирда, Масъул ташаббуси билан хизмат текшируви ўтказилади;

**5.6.5** Жамият ходими томонидан коррупцион ҳолат ҳақида қасдан ёлғон маълумот тақдим этилиши Жамиятда ўрнатилган одоб-аҳлоқ қоидаларининг бузилиши деб баҳоланади ҳамда унга нисбатан ички идоравий ҳужжатларга мувофиқ тегишли интизомий чораси қўлланилади;

**5.6.6** Жамият коррупция фактлари тўғрисида вижданан хабар берган ходимлар, агар бу маълумотлар тасдиқланган бўлса, белгиланган тартибда рағбатлантирилиши мумкин.

**6. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга доир чора-тадбирлар:**

**6.1** Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга доир чора-тадбирлар қуидагилардан иборат:

**6.1.1** коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг коррупциянинг ҳолатини ва тенденцияларини тизимли таҳлил қилишга асосланган самарали ишини ташкил этиш, уларнинг фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

**6.1.2** коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг замонавий шакллари ва усулларидан фойдаланиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг техник таъминоти даражасини ошириш, уларнинг ишига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

**6.1.3** судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини, улар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш;

**6.1.4** коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари ўртасида мувофиқлаштиришни ва ҳамкорликни таъминлаш;

**6.1.5** жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактларига доир мурожаатлари тўлиқ, холисона ва ўз вактида кўриб чиқилишини таъминлаш;

**6.1.6** коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берган шахсларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

**6.1.7** коррупцияга қарши курашнинг самарали жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал механизмларини яратиш.

## **7. Якунловчи қоидалар**

**7.1** Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалдаги сиёsat ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш зарурати келиб чиққанда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарганда;

**7.2** Ўтказилган таҳлиллар натижасида самарасиз тартиб ва таомиллар аниқланганда ҳамда Жамият фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштиришга зарурат туғилганда;

**7.3** Жамият ташкилий тузилмаси ёки вазифаларнинг бажариш хусусиятлари ва бошқалар ўзгарганда ушбу Сиёsat қайта кўриб чиқилиши, унга қўшимча ва ўзгаришлар киртилиши мумкин.